

## ТАСНИФ ФАЛСАФИЙ, ИЛМИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

**Мадраҳимов Илҳомжон Собирович**

Қўқон ДПИ доценти, филология фанлари номзоди

**Аннотация:** Мақолада таснифлашга индуктив ва дедуктив ёндашувларнинг мавжуд эканлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган бўлиб, ушбу фактлар мазкур ёндашувларнинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган.

**Калит сўзлар:** тасниф, тасниф турлари, кўп сатҳли тизим, индуктив ёндашув, дедуктив ёндашув, бўлиниш, тавсифлаш, манба серқирралиги, тушунча, лексема, технология, онтологик тасниф.

Турли манбаларни кўздан кечирад эканмиз, «таснифнинг моҳияти нимада, уни қандай тушунамиз?» деган савол туғилди. Фалсафий адабиётларда таснифнинг кўплаб таърифлари келтирилган. Ўта умумий тарзда *таснифни* қўйидаги тавсифланган: “Тасниф – бу инсон фаолияти ёки билимининг қандайдир бир соҳасига тегишли бўлган, кўпинча чизма ёки жадвал шаклида тасаввур қилинадиган, тушунчалар ёхуд манбалар гурӯх (туркум)и ўртасидаги алоқаларни тиклаш воситаси сифатида ҳамда уларга тааллукли бўлган тушунча ёки манбаларни хилма-хил қўринишда аниқ белгилаш учун фойдаланиладиган ўзаро тенг тушунчалар (туркум, гуруҳлар)нинг кўп сатҳли тизимиdir”. *Тасниф* моҳиятига бундай ёндашув, бизнингча, таснифни қандайдир бир мантиқий жараён (бўлиниш, тавсифлаш) билан тенглаштиришнинг олдини олади. Бундан ташқари, юқоридаги таъриф тасниф қилишга дедуктив ва индуктив ёндашувларнинг мавжудлигини ҳам хисобга олади. Индуктив ёндашувда тасниф қурилиши жараёни белгиларининг ўхшашлиги ва фарқланиши орқали тавсифланадиган айрим манбалар таҳлилидан бошланади. Бунда ҳал қилувчи ролни **бўлиниш** жараёни ўйнайди. Зеро, бу ҳолларда таснифлаш объект (манба)ларни гуруҳларга бирлаштиришдан бошланади, шундан сўнггина тадқиқотчи манбалар туркумини **тавсифлаш** (номлаш) жараёнига ўтиши лозим. Индуктив усулага асосланган таснифлардан тилдаги мавжуд мисолларни (фактик материалини) қайта ишлашда фойдаланилади.

Дедуктив ёндашувда тасниф этиш жараёни умумий тушунчаларни белгилашдан бошланади, сўнг уларнинг бўлинишига ўтилади, шунинг учун бу ёндашувда тушунчаларни тавсифлаш биринчи даражали аҳамиятга эга.

Кўп ҳолларда таснифлар ҳам индуктив, ҳам дедуктив усусларни қўллаш орқали яратилади. Бунда олий (юқори) туркумлар дедуктив, “қуий”лари эса индуктив усуслада ҳосил бўлади.

Биз таянадиган илмий таснифнинг фалсафий асослари қуийдагилардир:

1. ҳар қандай мураккаб ҳодиса таснифи қурилишида маълумотларни гурухлаштиришнинг дедуктив ва индуктив усусларидан фойдаланиш зарурлиги;
2. манба(объект)нинг серқирралиги асосида унинг бир неча таснифларида иштирок эта олиши ва уларда турли-туман ўринлар ола билиши;
3. ҳар бир таснифнинг мантиқий изчиллиги ҳақидаги таълимот.

Бу фалсафий асослар биздан ҳар бир лексеманинг турли хил маъно, қурилиш, вазифа, грамматик хусусият ва бошқа қирраларини алоҳида-алоҳида асосларда тузилган таснифларда

кўришни ва лексеманинг аниқланган хусусиятларини шу лексема моҳиятига бирлаштиришни талаб этади. Зеро, таснифлаш бу ўрганилаётган манбаларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида янги маълумотлар олиш усулидир.

Диалектика нұқтаи назаридан **нарса** ўзининг хилма-хил қирралари (томон хусусиятлари) асосида турли таснифларда иштирок эта олиши сабабли **нарса** моҳияти унинг турли хил асослардаги таснифларда эгаллаган ўринларининг, бу таснифларида очиладиган хусусиятларининг барқарор йифиндиси сифатида талқин этилиши лозим. Диалектиканда нарсанинг муносабатлари ва қирралари чексиз бўлганлиги сабабли бу моҳиятни ҳеч қачон тўлиқ ўргана олмаймиз. Лекин биз қанчалик кўп асосларда нарса таснифларини кўриб борсак, унинг моҳиятига шунчалик чуқурроқ кириб борамиз. Шунинг учун бир нарсанинг ўзини турлича асослардаги таснифларда эгаллаган ўрнини кўриш, хусусиятларини аниқлаш, хилма-хил асослардаги хусусиятларини нарсанинг ўзида бирлаштириш қарама-қаршилик эмас, балки диалектикандинг нарса моҳиятини очишга қўядиган асосий талабларидан биридир. Бу фалсафий қарашларни **лексемалар** моҳиятини очишга татбиқ этиш биздан ҳар бир лексеманинг ранг-баранг маъно, қурилиш, вазифа, грамматик хусусият қирраларини алоҳида асосларда тузилган таснифларда аниқлашни ва бу таснифларда лексеманинг аниқланган хусусиятларини унинг моҳиятига бирлаштиришни талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, лексема ва сўз муносабатини кўриб чиқиш лозим. Тилшунослик тарихида ҳодисага қайси жиҳатдан ёндашишга кўра, сўз ва лексемага турли таъриф ва изоҳлар берилган.

Таснифлаш қоидалари манбаларда қуйидагича таърифланади:

“Таснифлаш тушунчаларни бўлишнинг бир тури бўлганлиги сабабли, у тушунчалар доирасини бўлиш амалиётида қўлланиладиган барча қоидаларга эга бўлади.

**Биринчидан, фарқлаш** ва ажратишда бўлгани каби, таснифлаш фақат битта аниқ асосда амалга оширилиши керак. Агар бу қоида бузилса, тушунчалар кесишиши пайдо бўлади. Масалан, “Қоғоз оқ, қора, қалин, юпқа бўлинади” тавсифида хатолик кузатилади, чунки тасниф битта белги асосида эмас, балки бирданига икки параметр асосида амалга оширилган: биринчи асос – ранг, иккинчи асос – маҳсулотнинг қалинлиги. Демак, қоғоз оқ, қалин // қора, ингичка (ёки тескариси) бўлиши мумкин.

2. Таснифнинг мутаносиблиги эътиборда бўлиши керак: тасниф аъзоларининг йифиндиси умумий тушунча (синф, тўплам) ўлчами (ҳажми)га teng бўлиши керак. Агар ушбу қоидага риоя қилинмаса, қуйидаги хатолар юзага келиши мумкин:

- нотўлиқ (тор) тасниф, яъни таснифлаш натижасида аниқ тушунчалар ҳажми бўлинадиган тушунчанинг ҳажмини қамраб олмайди. Масалан, “Адабий турлар мазмунига кўра драма, комедия, фожиа, трагикомедияга бўлинади” таснифида жанр – драма кўрсатилмаган.
  - ортиқча тушунчалар билан таснифлаш. Бундай хатоликларга “Кузда пишадиган мевалар сифатида узум, анор, олма, нок, олча ва ҳусайнин ажратилади” деган таснифда ҳусайнин ортиқча, чунки у тасниф гуруҳига мансуб эмас, у узумнинг бир тури саналади, яъни ҳусайнин кўшимча умумий тушунчадир.
3. Тасниф таркибидағи элементлар бир-бирини истисно қилиши, такрорланмаслиги талаб этилади.
4. Кичик гурухларга бўлинниш давом этиши керак<sup>1</sup>.

<sup>1</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%84%D0%B8%D0%BA%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F%D0%9E%D0%BF%D0%B8%D1%81%D0%B0%D0%BD%D0%BA%D0%BA>  
5

Тасниф турлари сифатида кўрсатилган манба<sup>2</sup>да келтирилган таснифнинг кўринишлари сифатида берилган турлар таснифи қамраб ололмаган ёки мантиқий асосга эга эмас, деб хисоблаймиз:

1. Ўсимликлар таснифи.
2. Автомобиль таснифи.
3. Товарларни таснифлаш.
4. Ҳужжатларни таснифлаш.
5. Минераллар таснифи.
6. Қимматли қоғозлар таснифи.
7. Анатомик-терапевтик-кимёвий тасниф.
8. Тилларнинг генеалогик таснифи.
9. Тилларнинг генетик таснифи.
10. Юлдузларнинг спектрал таснифи.
11. Кутубхона-библиографик таснифи.
12. Универсал ўнлик класификацияси (УДК)
13. Элементларнинг геокимёвий таснифлар.
14. Фасет таснифи.
15. Касалликларнинг халқаро таснифи.
16. Халқаро патент таснифи.
17. Биологик тасниф.
18. Психологик типологиялар.
19. Корпоратив мулк объектларининг таснифи.

Бизнингча, кузатилган манбада таснифга мисоллар келтирилган, аммо изоҳда тасниф турлари деб кўрсатилган. Юқорида келтирилганидек, тасниф бўлиши объект учун бир белги асосида ажратилиши керак.

Таснифлашнинг икки хил тизими мавжуд. Булар иерархик ва фасет тасниф усулидир. Иерархик таснифга мисол сифатида 2-чизмани келтирамиз. Унда объектлар кетма-кет бўйсунувчи кичик гурухларга бўлинади.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба.

2-чизма



Юқоридаги чизмада ахборотни таснифлаш мисол сифатида келтирилган. Мазкур чизма асосида ахборотнинг таснифи ҳақида тұхталамиз.

Ахборот айрим вазиятларга аниклик киритишга асос бўлади. Баъзи ахборотлар кам маълумотдан иборат бўлса, бошқа бир ахборот жуда кўп материалдан ташкил топади. Ахборот миқдорини баҳолашнинг бир қанча йўллари мавжуд. Юқорида айтилганидек, ахборот ноаниклик, мавҳумлики бартараф этади. Ахборотнинг ноаниклиги унинг ишончсизлигини келтириб чиқаради. Бунга бир неча омиллар сабаб бўлиши мумкин:

1. тўлиқ бўлмаслик: мавжуд маълумотларнинг барчаси йиғилмайди;
2. етишмаслик: хамма керакли маълумотлар тўпланмайди;
3. кам белгиланиш: айрим унсурлар учун аниқ изоҳлар эмас, балки мазкур тавсифлар тегишли бўлган тўпламлар аниқланади;
4. аналоги билан алмаштириш: маълумотнинг бир неча унсурлари вақтинча мавжуд белгилар деб қабул қилинади<sup>3</sup>.

Юқоридаги чизмада “ахборот” дастлаб қабул қилиниш усули, тарқатилиш шакли ҳамда ижтимоий аҳамиятига кўра кўра фарқланади. Қабул қилиш усулига кўра “ахборот” визуал, аудиал, тактил, таъм ва ҳид билиш каби сезиш бўйича таснифланади. Ахборотнинг етказиш/қабул қилиш шакли бўйича тасниф элементлари сифатида матн, сон, график, мусиқали, аралаш пареметрлар кўрсатилади. Ижтимоий аҳамиятига кўра, оммавий, маҳсус шахсий турларга бўлинib, бу турларнинг ўзи ҳам кичик гурухларга ажратилади. Кўринади,

<sup>3</sup> <https://lektssi.com/2-1232.html>

тасниф амалга ошиши учун маълум бир белгилар ажратиб олиниб, ҳар бир белги асосида яна ички бўлинишларни амалга ошириш мумкин.

Ишлаб чиқариш соҳасида классификация атамаси умумий изоҳларни тўлдирган ҳолда ўзига хос тавсифга эга: “Классификация – бу турли обьектларни алоҳида гурухлашдир. Гурухлар умумий белгиларга эга бўлган обьектлардан ташкил топади. Мавжуд белгилар асосида бундай бўлиниш типология ҳам дейилади. Саноат, ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига кўра таснифлаш ҳам мумкин”<sup>4</sup>. Технология ўзининг соҳаларига караб турлича таснифланади. Кўйида шундай таснифни х-жадвалда акс эттирамиз:

Х-жадвал

<u>Технология</u> <u>кўриниши</u>	<u>технология</u>
<u>Ишлаб чиқариш соҳалари</u>	Электр, металлургия, кимё, машинасозлик, қурилиш, енгил саноат ва б.
<u>Ижтимоий соҳа</u>	Педагогика, илмий тадқиқотлар, тасвирий санъат, тиббиёт, савдо, майший хизмат, бадиий ва ахборот хизматлари
<u>универсал</u>	Ижодий, тадбиркорлик ва фермерлик, ижодий ва бадиий

Шүнингдек, табиий ва сунъий тасиф көнг тавсифланган манбалар эътиборимизни тортади.

Табиий тасниф – бу нарса ва ҳодисаларнинг ички умумийлигини тавсифловчи муҳим белгиларига кўра гурухланиши. Ташиб белгиларга йўналтирилган сунъий таснифдан фарқли ўларок, табиий тасниф кўпроқ ўрганилаётган предметнинг ички мазмунига қаратиласди. Жумладан, моҳиятан ўхшаш объектларни (мас., сабзавотлар, идиш-товоқлар, жихозлар) гурухлаш табиий таснифдир. Объектларни ранг бўйича гурухлаш эса сунъий тасниф. Масалан, апельсин ва апельсин тўпини бир гурухга киритамиз, чунки уларнинг ранги (тўқ сариқ) ва шаклан (доира) ўхшаш<sup>5</sup>.

Сунъий таснифлаш – ўрганилаётган объектлар (жараёнлар, ҳодисалар) түпламига керакли тартибни бериш учун объектларни ташки белгиларига кўра ажратиш<sup>6</sup>.

Билимларни тизимлаштиришнинг шакллари тузилиши – уларда фаолият кўрсатувчи тушунчалар тури ҳамда тушунчаларнинг ўзаро муносабатига қўра фарқланади. Билимларни тизимлаштириш асосида табиий оламни таснифлаш ётади: бунда таснифлаш тушунчалари (маълум гурух ва синфларга тегишли воеа/ходиса/нарса/предметни таснифлаш) асосий роль ўйнайди. Тасниф тизимида формла мантиқнинг асосий тушунчалари ҳисобланган “бўйсунувчи” ва “бошқарувчи” мақоми асос бўлади<sup>7</sup>.

Тасниф қайси шаклда (жадвал ёки шажара даражти) бўлишидан қатъи назар, унинг аъзолари орасидаги муносабат “бўйсунувчи” ва “бошқарувчи” даражасида амал қиласди. Бу, асосан, катта микдордаги тасниф гуруҳларидан ташкил топган, турли даража ва типдаги ҳодисалар ажратилган мураккаб иерархик тизимлар таснифида юзага чиқади. Бундай шажара тизимлари асосини кўплаб индивидуал объекtlар ташкил этади, юқорисида эса нисбатан умумий

<sup>4</sup> <https://znanio.ru/media/klassifikatsiya-proizvodstv-i-tehnologij-2799501>

<https://zhimoo.ru/media/klassifikatsiya-proizvodstva-tekhnologij-2799361>

%D0%BD%D0%BD%D0%BA%D0%8F  
%D0%BA%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%81%D0%B8%D1%84%D0%B8%D0%BA%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F

%ДТ% $\delta\Gamma$   
<sup>6</sup> Ща манба

<sup>7</sup> Субботин А.Л. Классификация. – М., 2001. – 94 с. – С. 13.

классификация гурххи туради. Иерархик муносабатнинг турли даражасида: асос ва чўққида ўзида турли гичиқ муносабтларни биритирган турли тасниф гурухлари туради, бу гуруғларга яна кичик кичик гурухлар бирлашади. Демак, бу катта ва кичик гурухлар “бўйсунувчи” ва “бошқарувчи” мантиқий ечими асосида таснифланади. Бундай тизимларда холосалар силлогизм қоидалари асосида юзага чиқади<sup>8</sup>.

Таснифнинг онтологик классификацияси. Таснифнинг энг онтологик классифик ёндашуви бизни ўраб турган табиат/борлик таснифидир. Таснифнинг бундай ёндашуви инглиз олими Ж.Томсон “оммавий ишлаб чиқариш тамойиллари” деб атаганди. Бу тамойил – доимий янгиланиб турувчи табиатни ифодаловчи қонун, у Дж.Ст.Милль томонидан эътироф этилган табиат яралишининг ягона қонунига ўхшайди. Бу қонун энг умумий қонуният асосига қурилган, у биз ва бизни ўраб турган борлиқни ўзига бўйсундиради. “Бу қонуният дунёнинг асосий ҳодисаларидан бири, уни ҳеч қандай янги қашфиётлар ўзгартирмайди. Атомизм атаманинг кенг маъносида - табиат томонидан амалга ошириладиган янгиланиш, пайдо бўлиш, у то маънодаги ҳақиқатдир” – деб ёзади Томсон<sup>9</sup>.

Кимёвий элементлар таснифи бир неча унсурларни қамраб олса, лингвистик тасниф обьекти сифатида минглаб тиллар майдонга чиқади, биологик тизимлар предмети эса тирик мавжудотларнинг минглаб туридир. А.Л.Субботинга кўра, тасниф ёндашувларини аниқлаш учун, аввало, бир қанча обьектлар тўплами бўлиши керак. Ушбу тўпламларни ташкил этувчи обьектлар алоҳида, нисбатан автоном бирликлар бўлиши керак, бир-биридан аниқ ажralиб турадиган ва шу билан бирга турли хил ўхшашликларга эга бўлиши керак. Бу обьектларда уларга хос бўлган зотий (домий) хусусиятлар, обьектларнинг бошқа обьектлардан фарқ қиласидиган ёки уларга ўхшаш белгилари билан ажralиб туриши керак<sup>10</sup>.

Шундай килиб, таснифлаш ёндашувининг ўзига хос имкониятини яратадиган онтологик шарт ўрганилаётган фан соҳасининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Таснифга А.Холл ва Р.Фажин томонидан берилган таърифига асосланадиган бўлсак, тасниф тизимини маҳсус белгилардан иборат, таркибида қатор унсурларни сақловчи система деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг фикрига кўра, “Тизим – обьектлар ва уларнинг атрибулари ўртасидаги муносабатлардан ташкил топган обьектлар тўпламидир”<sup>11</sup>.

Таснифланадиган обьект мансуб бўлган тизим, унинг атрибулари ва хусусиятлари орасида умумийлик ва фарқлар амал қиласиди. Тасниф амал қиласидиган тизимни кўрсатиб бериш мақсадида тизим ва таснифни унга ўхшаш бошқа ҳодиса билан таққослаймиз. Масалан, таркибида хилма-хилликни ташкил этувчи бирликлардан ташкил топган бутунликни ўрганишда ҳам бу система ичидағи элементларнинг ўзаро муносабати ва хусусиятлари қашф этилади. Бунга мисол сифатида Қуёш системасини келтириш мумкин. Қуёш, унинг атрофидаги сайёralар, астероид, комета ҳаракати инерция қонуни ва бутун олам тортилиш кучи билан яшайди, бу қонуният эса тизимнинг бутунлигини ташкил этади. Мазкур бутунлик ҳақидаги бизнинг билимларимиз параметрик систематика, аникроқ айтганда, олам механикаси сифатида қабул қиласиди<sup>12</sup>.

<sup>8</sup> Субботин А.Л. Классификация. – Москва, 2001. – 94 с. – С. 14.

<sup>9</sup> Томсон Д. Предвидимое будущее. – Москва, 1958. – С. 37.

<sup>10</sup> Субботин А.Л. Классификация. – М., 2001. – 94 с. – С.19.

<sup>11</sup> Холл А.Д. и Фейджин Р.Е. Определение понятия системы // Исследования по общей теории систем. – М., 1960. – С. 252.

<sup>12</sup> Субботин А.Л. Классификация. – М., 2001. – 94 с. – С. 22.